

DOI: <https://doi.org/10.5281/zenodo.14933086>

ОРГАНИК ЧИҚИНДИЛАРНИ ҚАЙТА ИШЛАШ

Доц. И.Мурадов
КИЭИ. Факультет Энергетика.

АННОТАЦИЯ

Уибұу маколада атроф-мухит ва табиатни муҳофаза қилиши технологиялари илмий-тадқиқот институты мұтахассислари томонидан ҳудудлари кесимида ақоли ва юридик шахсларнинг қаттиқ маиший чиқиндиларни саралауда экологик маданиятини оширишига қаратылған илмий-тадқиқот ишләри амалға ошиши хакида маълумоттар берилған.

АННОТАЦИЯ

В данной статье представлена информация о выполнении специалистами НИИ природоохраных и природоохраных технологий научно-исследовательских работ, направленных на повышение экологической культуры жителей и юридических лиц при сортировке твердых бытовых отходов.

Кишилик жамияти ва табиат бир бутун. Шу боис уларни айри ҳолда тасаввур эта олмаймиз десек, муболаға бўлмайди. Аммо сўнгги йилларда табиий ресурслардан фойдаланиш ҳажми ва суръатининг ўсиб бориши туфайли инсониятнинг табиатга кўрсатаётган таъсири тобора кучаймоқда. Бу ўз навбатида, қатор муаммоларни келтириб чиқармоқда. Хусусан, бутун дунёда бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам қаттиқ маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалға ошириш долзарб масала ҳисобланади.

Савдо тармоқлари (супермаркетлар, гипермаркетлар ва бошқалар) сонининг ақоли жон бошига ялпи ички маҳсулот ўсиши билан бир вақтда қадоқланган маҳсулотлар учун харид қобилиягининг ортиши пировардида ҳосил бўладиган қаттиқ маиший чиқиндиларнинг кўпайишига олиб келмоқда. Урбанизация ҳам чиқиндилар ҳосил бўлишига таъсир кўрсатиб, шаҳар ҳудудлари ахолиси қишлоқ ахолисига нисбатан кўпроқ чиқинди чиқармоқда. қаттиқ маиший чиқиндиларни қайта ишлаш, утилизация қилиш ҳудудларда ечилмаган муаммо бўлиб қолмоқда.[1].

Ҳар куни катта миқдорда кераксиз материаллар (ашёлар) чиқиндига айланади. Бундай аралашмалар таркибида қимматли бўлган компонентлар, яъни

металл, қофоз, шиша ва пластиклар бор. Чиқиндилар полигонларда күмилганды, бу эски фракциялар шундайлигича йўқолиб кетади. Бундан ташқари, ушбу аралашмаларда анчагина хавфли компонентлар ҳам мавжуд: майший иссиқ ўлчагич ва люминесцент чироқлардаги симоб, батарейкалардаги кислоталар ва бошқалар. Чиқиндилар тўпланиш ҳажмининг мунтазам равишда ўсиши ва уларни утилизация қилиш воситаларининг етишмаслиги республикамизнинг кўпгина шаҳарларида муаммоларга сабаб бўлмоқда. Қаттиқ майший чиқиндилар тўпланишининг ўртача меъёрлари бевосита уй-жой фондида аҳоли жон бошига йилда 240-328,5 кг га етади.

Тошкентдан чиқувчи майший чиқиндилар миқдорининг ўсиш суръатлари йилига тахминан 6%ни ташкил қилиб, тезкор чоралар кўрилмаса, 15 йилдан кейин чиқиндилар ҳажми икки ҳиссага ошади. Қилиш лозим бўлган ягона нарса – чиқиндиларни тўлиқ қайта ишлаш бўлиб, буни қўплаб етакчи давлатлар тажрибаси тасдиқлайди. Бу чиқиндиларни саралаш билан боғлиқ бўлиб, ҳозирда аҳоли томонидан чиқиндиларни турли рангдаги қутиларга саралашга қаратилган синов лойиҳалари амалда. Ушбу йўналишда бошқа қўплаб ташабbusлар ҳам мавжуд. Бугун биз органик чиқиндиларни утилизация қилиш ҳақида сўз юритамиз.[2].

Муаммолардан бири – тўкилган хазонларни утилизация қилишdir. Қачондир уларни ёқиб, ҳавони заҳарлаган, кейин умумий чиқинди тўкиш майдонларига олиб чиқишиган. Ваҳоланки, бу ўғитлар олиниши учун қимматли хом ашёдир. Пойтахтимизнинг Олмазор туман ободонлаштириш бошқармаси тўкилган баргларни маҳсус компост ўрасида утилизация қиласи – бу узунлиги 57 метр, эни – 17 метр ва чуқурлиги 5 метр бўлган улкан ўрадир. Афсуски, барглар орасида фуқароларимиз томонидан пиёдалар йўлаклари ва йўл чеккаларига ташланган бегона чиқиндилар бор бўлиб, ўранинг ўзида барглардан пластик ва қофозларни олиб ташлашга тўғри келади. Бу эса қайта ишлаш жараёнини сезиларли даражада қийинлаштиради ва секинлаштиради.

Бошқа ижобий мисол: «Махсустранс» ДУК органик чиқиндиларни қайта ишлашни бошлади. Green International компанияси билан бу бўйича ишланмоқда. Бунинг учун Тошкент яқинида ер майдони ажратилган. «Махсустранс» бу ерга бозорлар, умумий овқатланиш масканлари ва бошқа объектлардан тўпланган, саралangan органик чиқиндиларни келтиради. Бу ерда чиқиндилар яна бир бора сараланиб, сомон ёки барглар ва гўнгга қўшилади ҳамда немис технологияси бўйича эгатларга терилиб, 6 ҳафта давомида қуритилади. Эгатлар Германиядан маҳсус келтирилган комбайн ёрдамида мунтазам равишда аралаштирилади. Олти ҳафтадан кейин мукаммал ўғит тайёр бўлади.[3]

Боғбонлар ва фермерлар ўз хўжаликларидан бундай табиий ва ишончли маҳсулотдан фойдаланишлари мумкин.

Узбекистонда хар йили 7 млн тонна каттик майший чикиндилар пайдо булмоқда. Ахоли жон бошига 2 % дунё бўйича уртача курсаткичдан 2 баравар куп.

Глобал дунёда кузатилаётгани каби мамлакатимизда ҳам экология билан боғлиқ муаммолар долзарб аҳамият касб этиб бормоқда. Бу борадаги ҳолатни мақбул изга солиш учун, бир томондан, иқтисодий аҳволни изчил яхшилаш талаб этилса, иккинчи томондан, халқимиз орасида қадимда маълум бўлган экологик маданиятни тиклаш, тарихни яхшилаб ўрганиш ҳамда ундан ҳозирги шароитда фойдаланиш имкониятларини қидириб топиш тақозо этилади.

Инсон фаолияти таъсирида биосферанинг ўзгариши жуда тез кечмоқда. Инсониятнинг табиий жараёнларга ана шундай таъсири натижасида XX аср ўрталарида экологик муаммолар авж олиб кетди. Бинобарин, экологик муаммолар аввало инсоннинг табиатга қўрсатаётган таъсирига бориб тақалади.

Цивилизациянинг ривожланиши ва инсониятнинг табиатга таъсири тобора чуқурлашиши оқибатида аҳвол янада ёмон томонга ўзгармоқда. Бугунги кунда ибтидоий соф табиат ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Чунки ер юзидағи бепоён ўрмонлар қирқилиб кетди, ката-катта ҳудудлар дехқончилик қилиш мақсадида ўзлаштирилди, дорилар билан ўғитланди, тоза ҳаво ва табиат ҳар хил чиқинди ҳамда газлар билан ифлосланди.

Бундан ташқари табиатда тошқинлар, ўрмон ёнғинлари, чанг бўронлари ва бошқа табиий оғатлар тез-тез ҳамда ўта ҳалокатли кўламларда юз бериб турибди. Буларнинг барчаси атроф мухитнинг табиий мувозанатига путур етказяпти.

Дунё бўйича кузатиладиган табиий, антропоген ёки соф антропоген ҳодисалар умумбашарий муаммолар, деб қаралади. Шундай экологик муаммолар сирасига, жумладан, “Атмосферанинг димиқиши” ва “Озон қатламининг сийраклашиши” ҳодисалари, шунингдек, чучук сув тақчиллиги, ўсимлик ва ҳайвон турлари сонининг қисқариши, ерга ишлов беришда заҳарли кимёвий бирикмалардан фойдаланиш муаммолари киради.

Ўзбекистон йирик саноат маркази ва аграр минтақа бўлиб, келажакда дунёга юз тутган машинасозлик, энергетика, кимё, озиқ-овқат саноати, транспорт

мажмуини янада ривожлантириш кўзда тутилган. Бундай ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиши, ўз навбатида, экотизим ҳолатига муайян даражада салбий таъсир кўрсатади.

Инсоннинг яшаш қулайлиги ўсишини таъминлаш замонавий ҳаётга янги технологияларни жорий этишга доир вазифаларни қўйиш билан бирга келади. Мисол учун, бир марта ишлатиладиган пластик қадоқлаш материалларининг арzonлиги атроф-муҳит муҳофазаси учун аксинча қимматга тушади. Натижада тупроққа тушгандан кейин унинг кимёвий ва физик хусусиятлари ўзгаришига олиб келади ва тупроқ таркибида тирик макро ва микро организмлар сонини камайтиради ва унумдорликни бузади. Ифлослантирувчи моддалар билан биргаликда касаллик қўзғатувчи бактериялар, гельминт тухумлари ва бошқа зарарли организмлар кўпинча тупроқнинг қуий қатламларигача киради.

Инсоният янгилик сифатида биологик ва биокимёвий парчаланмайдиган бирикмаларни ихтиро қилди. Уларга турли хил қадоқлаш материаллари, суюқликларни сақлаш учун идишлар, каучук, лавсан, синтетик полимерлар, ювиш воситалари, бўёқлар киради. Узоқ муддат давом этадиган жараёнда бундай кимёвий ва биокимёвий маҳсулотларнинг барчаси атроф-муҳит ва одамлар ҳаёти учун зарарли моддалар чиқариб парчаланади.[4]

Ҳозирги вақтда барча турдаги чиқиндиларни қайта ишлаш фақат бир нечта мамлакатларда анъанавий амалиётга айланиб бормоқда, аммо ундан фойдаланиш зарурати муҳим бўлиб, иқтисодий-ижтимоий, экологик ва шу билан бирга энергетик аҳамиятга эга. Чиқинди полигонларида чиқиндиларнинг ер остидаги кимёвий парчаланиш натижасида атроф-муҳитга карбонад ангидрид ва метан газини чиқаради, бу эса атмосферадаги иссиқликни ушлаб, сайёрамизга таҳдид соладиган иссиқхона эффиқтини яратади.

Мана шундай долзарб экологик муаммоларга ечим топиш борасида мамлакатимиизда ҳам қатор ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 апрелдаги “2019-2028 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида қаттиқ майший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори ва Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 2 октябрдаги “Майший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги ишлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида Табиат ресурслари вазирлиги ҳузуридаги Атроф-муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш технологиялари илмий-тадқиқот институти мутахассислари томонидан

пойтахтимизнинг Олмазор, Яшнобод туманлари, Тошкент вилояти Чирчик шаҳри ҳудудлари кесимида аҳоли ва юридик шахсларнинг қаттиқ майший чиқиндиларни саралашда экологик маданиятини оширишга қаратилган илмий-тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда.[5].

Маълумки, қаттиқ майший чиқиндиларни саралаш бу сайёрамизни чиқиндилардан тозалашнинг биринчи қадамидир. Кейинги 20 йил ичидаги қадоқлаш маҳсулотларининг ҳажми 246 баробарга ошган. Чиқиндилар Ер шари бўйлаб тенг тақсимланса қалинлиги 2 см бўлган қатлам ҳосил қиласди.

Тасаввур қилинг, консерва банка 8-10 йил давомида тупроқда парчаланиши мумкин. Пластик бутилкалар эса қуёш нури тушганда 150 йилда, агар тупроқ остида бўлса 400 йилда чирийди, полиэтилен пакетларнинг чириши учун камида 400 йил керак бўлади. “Coca-Cola”, “Fanta” каби ичимликларнинг алюминий қутилари 500 йилда йўқ бўлади. Шиша идишлар минг йиллаб ётаверди. Ҳозирги вақтда муаммонинг энг долзарб ва оқилона усули — чиқиндилардан онгли равишда хомашё сифатида кенг фойдаланиш. Биз қайта ишланадиган қофоз картон, полимерлар, металл, эскирган майший техникалар, кийим-кечаклар, симболи лампочкалар, термометрлар, батареяларни саралаб, қайта ишлашга берибгина сайёрамизни кўпроқ ифлосланишдан сақлаймиз. Қаттиқ майший чиқиндиларнинг таркибий қисми 60-80 % қайта ишлашга яроқли материаллар хисобланишини ҳам унутмайлик.

Германияда майший чиқиндиларни алоҳида йиғиши 1980 йилларнинг охиридан бошланган бўлса, 2015 йилдан бу мамлакатда чиқиндиларни танлаб йиғишининг ягона тизими ишлаб келмоқда. Германияликлар майший чиқиндилардан биомасса, қофоз, шиша, металлар ва пластмассаларни алоҳида алоҳида тўплайди. Бу турдаги чиқиндилар учун маҳсус рангли идишлар ўрнатилган. Масалан, кўк – қофоз маҳсулотлари учун (газеталар, журналлар, картон қутилар); яшил – органик чиқиндилар учун. Дорихоналарда муддати ўтган дори-дармонлар қабул қилинади, дўконларда эски батареялар учун йиғиши пунктлари мавжуд бўлиб, Германияда майший чиқиндилар 66% қайта ишланади.[4]

Япония пластмассани қайта ишлаш бўйича дунёда етакчилардан бири бўлиб, қунчиқар мамлакатда 1997 йилда қабул қилинган қонун асосида саноат ва уй хўжалигидаги полимерларни бошқа тоифадаги чиқиндилардан ажратиш мажбурий хисобланади. Шу сабаб ишлаб чиқаришда ишлатиладиган пластмассанинг улуши 39% дан (1996 й.) 83% гача (2014 й.) ошган. У ерда саноат

чиқиндилари қурилиш материалы сифатида ишлатилади. Нагоя шаҳри яқинидаги халқаро аэропорт Тюбу ва Кансай (Осака)да парчаланган саноат чиқиндиларидан барпо этилган сунъий ороллар қурилган.

“ABA-Трэйд” ва Япониянинг “Super Faiths” компанияси технологияси памперс ва тагликларни ёқилғи брикетларига қайта ишлашга имкон беради, уни қозонхоналарда ҳам, хусусий иситиш тизимларида ҳам ишлатиш мумкин. Америка Қўшма Штатларида, масалан, Сан-Франциско каби 80% гача чиқиндилар қайта ишланадиган шаҳарлар бор. Чет эл тажрибаси шуни кўрсатадики, чиқиндиларни бошқариш тизимининг барча иштирокчиларига таъсир кўрсатадиган самарали рағбатлар бўлса, чиқиндиларни алоҳида йиғиши жорий этиш мумкин. Баъзи мамлакатларда, масалан, нотўғри ташлаб юборилган сигарет қутиси ёки қофозга катта микдорда жарималар солинади, бошқа томондан, фуқароларни чиқиндиларни саралашга ундаш мақсадида, расмийлар уларни олиб чиқиши харажатларини камайтиради.[5].

2012 йили Москвада чиқиндиларни алоҳида йиғиши бўйича тажриба ўтказилди. Кўп қаватли уйлар ҳовлисида қофоз, пластмасса, шиша ва металл чиқиндиларга “фойдали чиқиндилар” учун шаффофф тўрли идишлар ўрнатилди. Тажриба яхши самара берди ва унинг кўламини кенгайтиришга қарор қилинди. Эндиликда бу шаҳардаги деярли ҳар бир уй ҳовлисида ўзининг шаффофф чиқинди қутилари бор.

Чиқиндиларни саралашнинг аҳамияти – сараланадиган чиқиндилар улушини кўпайтириб, қаттиқ чиқиндилар полигонлари майдонини камайтиришдан иборат. Муаммо шундаки, ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланган чиқиндиларни чиқиндихонага юбориш технологиясини ўзгартириш зарур. Шу сабабли аҳоли турар ва нотурар жойларда ҚМЧни саралаш тизимини жорий этиш, уларнинг ҳосил бўлиши олдини олиб полигонга қўмиш учун йўналтирадиган чиқинди ҳажмини қисқартириш лозим.

Республикада саралаб йиғишида жамоатчилик иштироки паст даражада бўлиб, бу аҳолининг экологик маданияти етарли ривожланмаганидан далолат беради. Қаттиқ майший чиқиндиларни алоҳида йиғиши кўникмасини шакллантириш ва кучайтириш талаб этилади. Бундай чиқиндиларни бошқариш масаласига аҳоли ва жамоатчиликнинг муносабатини ўзгартириш керак: чиқиндиларни йиғиширишни тўғри ташкил этиш жамиятга ҳам, табиатга ҳам наф келтиради.

Чиқиндилар микдорини камайтиришга имкон берадиган технологияни кенг қўллаш ва чиқиндиларни энг кўп даражада қайта ишлаб чиқитга чиқаришни

максимал камайтиришни амалга ошириш, уларнинг атроф табиий мухитга зарарли таъсирининг олдини олишга хизмат қиласди.[2]

Дарҳақиқат, чиқиндиларни саралашнинг асосий мақсади атроф-мухит ифлосланиши олдини олишdir. Қаттиқ майший чиқиндиларни саралаб йиғиш тизимини татбиқ этиш билан бир қаторда, қуйидаги устунликларга эга бўлган истеъмол қадоқлаш буюмлари (таралар)нинг депозит тизимини жорий этишга тайёргарлик бошланади:[6]

Қаттиқ майший чиқиндиларни тўплаш, сақлаш, ташиш ва кўмиш билан боғлиқ харажатлар камайтирилади;

Полигонларга кўмиш учун йўналтириладиган қаттиқ майший чиқиндиларнинг ҳосил бўлиши ва тўпланиш ҳажми камаяди;

Иккиламчи моддий ресурсларни йиғиш ҳажми ва уларни хўжалик айланмасига жалб қилиш оширилади;

Хомашёни сотишдан олинадиган даромад ҳам қўпаяди;

Майший чиқиндиларни саралаш ер ресурсларини тежаш имкониятини беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхат

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори. «2017 - 2019 йиллар даврида Республикада биогаз қурилмаларини жорий этиш ва ишлаб чиқаришни кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида. Тошкент ш., 2017 йил 1 июнь, 338 - сон
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 25 ноябрда “Республиканинг чорвачилик ва паррандачилик хўжаликларида биогаз қурилмалари қуришни рағбатлантириш чора - тадбирлари тўғрисида” ги 343 -сонли Қарори. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 47 - сон, 599 - б.
3. 2017 - 2021 йилларда қайта тикланувчи энергетикани янада ривожлантириш, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори 26.05.2017 йилдаги. ПҚ-3012-сон қарори.
4. В.М. Шарапов, В.В. Нефедов //Высокие технологии энергосбережения: Труды междунар. шк. конф. - Воронеж, 2005. - С. 140 -142.
5. Калифорнийская электростанция «Million Solar Roofs» суммарной мощностью 3 ГВт 15.12.2005 .
6. Умаров Г. Я. Солнечная энергетика / Г.Я. Умаров, А.А. Ершов // Новое в жизни, науке, технике. Сер. наука о земле. - М.: Знание, 1974. - №1. -64